



## ЎЗБЕК РАССОМЛАРИ ИЖОДИДА МИНИАТЮРА ЖАНРИНИ АХАМИЯТИ ВА УНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ

**Шермахамматова Муқаддас Тохиржон қизи**

*Факультет “ Санъат шунослик “ Наманган давлат университети*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада ўзбек тасвирий санъатида миниатюрани ахамияти ва тарихи хусусида сўз юритилади.Тарихий давирлардан хозирги кунгача миниатюра композицияларини ривожланиш босқичлари ҳақида ёритилади.*

**Калит сўзлар:** *Рассомлар, тарихий жанр , миниатюра , пергамент,нафис , портрет, тошқозон, акварель.*

### **Кириш**

Ўзбек тасвирий санъатида миниатюра кўлэзма китоблар яратиш мусўлмон Шаркнинг энг катта ютуқларидан биридир. Шарқ кўлэзмаси мазмунан ўзига хос, ранго - рангдир.

### **Натижа тахлили:**

Миниатюра (франц. miniature; лот. minium — қизил бўёқ) — бадий усуллари ўтта нафис бўлган кичик ҳажмли тасвирий санъат асарлари.Ўрта аср кўлэзмаларини зийнатлаш учун яратилган нафис мўъжаз расмлар, шунингдек, суяк, пергамент, мағзи тоза тошқозон, металл, чинни, баъзан маиший буюмлар (тамакидон, соат, узукга ишланган кичик ҳажмдаги рангтасвирга ҳам Миниатюра атамаси қўлланади локли миниатюра.

Бадий Миниатюранинг китоб ва портрет каби соҳалари кенг тарқалган. Китоб Миниатюрасида расмлар рангли қилиб темпер, гуашь, елим, акварель ва бўёқлар билан қўлда бевосита кўлэзма китоблар варакаларига ишланиб, ундаги нақшлар сарлавқа, унвон, лавха ва шу китобларнинг безаклари билан уйғунлашган. Миниатюра қадимдандан маълум бўлган. Қадимда Мсир папирусларига хира бўёқлар билан перода расмлар текис юзали қилиб рангтасвир усулида ишланган. Сўнгги антик Миниатюралар 4—6-асрларда шакллар ва нурҳаво ҳолати тўғри берилганлиги билан диққатга сазовор. Бу усул Византия миниатюраси асосан, диний кўлэзмаларда 10-асрларгача ҳуқум сурган. Миниатюрага халқ ижодиёти хусусиятлари кириб борди. 13 — 15-асрлар готика миниатюрасида натурани ҳаққоний ифодалашга интилиш кучайди, расмлар матн билан изохланди, шакллар жонланди, манзара, интерьер, меъморий ҳошияларга кенг ўрин берилди. Францияда йирик Миниатюра усталаридан А. Боневё, Жакмар д’Эден ва б. самарали ижод қилди. Ўрта асрлар ғарб миниатюраси маҳаллий мактабларнинг куплига билан ажралиб туради. Арманистон 6 — 7-асрлар,Грузия 9— 10-асрлар, Россия да ҳам Миниатюра ривожланди.

Ўрта асрларда Шарқда Миниатюранинг ўзига хос мактаблари шаклланган китоб санъати. Араб Миниатюрасида бир қатор мактаблар ажралиб туради: Миср, Сурия,



Ирок, Афғонистон, Ўрта Осиё, Озарбайжон, Эрон, Ҳиндистон кўлэзма китобларининг барча безаклари ўзаро уйғунликда боғланган; чизиқли ритм, манзара, рангларнинг нозик уйғунлиги уларнинг безак тузилишини белгилади.

Миниатюра кўлэзма китобларнинг мўъжаз расмлари ва алоҳида ишланган расмлар сифатида 12—19-асрларда Шарқда кенг тарқалган. Аввал илмий кўлэзмалар (мас, табобатга оид Диоскориднинг «Дорилар» рисоласининг араб тилига таржимаси, Абу Райхон Берунийнинг «Осар улбоқия» — «Ўтмишдан қолган ёдгорликлар», Қазвинийнинг «Нужум» — «Юлдузлар» ва б.), кейинчалик бадий асарлар (Ҳаририйнинг «Мақомот», «Калила ва Димна», «Тарихи Табарий» каби асарлар)га расмлар ишланган. Бадий адабиёт, асосан, эпик шеърят — маснавий, дostonлар (жумладан, Фирдавсийнинг «Шохнома». Низомий, Хусроф Дехдавий, Алишер Навоийларнинг «Хамса»лари, Жомий, Саъдий, Ҳофис Шерозий ва б. нинг асарлари) кўлэзмаларини зийнатлаш учун яратилган Миниатюралар алоҳида туркумни ташкил қилади. Буюк мусаввир сифатида Шарқда Монийдан сўнг Жуна-ид Бағдодий, Хожа Абдулхай, Махмуд Сиёҳқалам, Гиёсиддин Накқош, Мирак Накқош, Камолиддин Бехзод, Қосим Али, Махмуд Музаҳҳиб, Абдулла Мусаввир, Басаван, Ризоий Аббосий ва бошқаларнинг номлари машҳур. Теиурийлар даврида алоҳида варақларга Миниатюра ишлаш ва улардан мураққа тузиш анъ-анага айланган, алоҳида шахслар тасвири (портрети)ни ишлаш тараққий этган, хусусан, Ҳиндистонда Бобурийлар даврида юксак даражага кўтарилган.

14-асрлар охирида Самарқандда Самарқанд миниатюра мактабида шаклланган, кейинчалик у Ҳирот миниатюра мактабининг шаклланишига таъсир кўрсатган, Амир Темури қурган боғлардаги кўшқлар ҳам деворий расмлар билан безатилган. Темурийлар саройларида алоҳида китобхоналар ташкил этилиб, у ерда моҳир хаттот ва китобат аҳди, жумладан, мусаввирлар ҳам фа-олият кўрсатган (мас, Мирос Бойсун-ғур кутубхонасида қирқдан зиёд хаттот, етмишдан ортиқ мусаввирлар ижод қилгани маълум). Хусайн Байқаро ва Алишер Навоий даврида ҳам китобат санъати ва Миниатюра тараққиётига катта эътибор берилган. Темурийлар, Шайбонийлар, Бобурийлар даври Миниатюра асарлари жаҳоннинг энг нуфузли музей, кутубхона ва шахсий тўпламларида сақланади.

Портрет Миниатюраси рассомлик санъатининг алоҳида тури сифатида Уйғониш даврида шаклланган, усул ва услуб жиҳатидан китоб Миниатюраси билан, шунингдек, реалистик санъатнинг умумий тараққиёти билан узвий боғланган.

Германия, Англияда Миниатюра асарлари портрет ва рухий ҳолатнинг аниқлиги ва бойитилганлиги билан ажралиб туради. 16-асрларда Францияда эмаль усулидаги Миниатюра ривожланган. 18-асрлардан Россияга кенг тарқалди, итальян Р. Каррьера фил суягига рангли заминда гувашь билан рангтасвир ишлаш усулини киритди, акварель Миниатюраси юксак чўққига кўтарилган. Европада 17—18-асрларга келиб Миниатюра ўрнини гравюра эгаллади, литография ривожланди. 19-асрлардан фотографиянинг тарқалиши туфайли портрет Миниатюраси яратиш сусайди.



Ўзбекистон худудида 20-аср бошларига келиб Миниатюра санъатининг ривожига тўхтаб қолди. Уста Мўмин, А. Сиддиқий, Г. Никитин, Ч. Аҳмаров, Т. Мухаммедов каби рассомлар ижодида Миниатюра анъаналари кузатилади. 70—80-й. ларда Миниатюра анъаналарини тиклашга уринишлар бўлди. Миниатюранинг ҳақиқий тараққиёти Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг амалга ошди. Ч. Ахмадов ни санъати анъаналарини ўз ижодида давом эттирди, уни янги мазмун, ғоялар билан бойитди. Унинг шогирдлари устозининг ишларини давом эттириб, Миниатюрани янги босқичга кўтардилар; локли Миниатюра, қоғоз, мато, тери, чармдаги Миниатюрани ва деворий ишларни қамраб олиб кенг кўламли бадиий услубий йўналишга айланди. Ҳоз. кунда Миниатюра ривожига 3 йўналишда — айнан қўлёзма расмлари (Т. Мухамедов, Ш. Мухаммаджонов), локли Миниатюра (Н. Холматов, А. Йўлдошев, Ш. Шоаҳмедов ва б.) ҳамда Миниатюра услубида деворий расмлар яратиш (Т. Болтабоев, Ҳ. Назиров, Ғ. Камолв — Камолиддин Бехзод номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг биринчи совриндорлари.) бўйича ижодий изланишлар олиб борилмоқда. Миниатюрочи рассомлар «Усто» ва «Мусаввир» ижодий уюшмаларида фа-олият кўрсатмоқдалар. Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн-тида, Республика рассомлик коллежида миниатюрочи рассомлар тайёрланади. Камолиддин Бехзод ижодининг дастлабки йилларида кўпроқ тарихий, замонасининг долзарб мавзуларида ( масжид қурилиши, туялар жанги, даро саргузашти, Амир Темур саройида қабул маросими ), қаҳрамонлик кўпроқ анъанавий, халқ оғзаки ижоди ва лирик қаҳрамонлар тимсолларини яратишга киришади. Бехзод Шарқ миниатюра санъатига ҳаётийлик, ҳаққонийликни – реализмни олиб кирган ижодкордир.

### **Хулоса**

Ўзбек рассомлари ижодида миниатюра санъатини ахамияти жуда катта булиб, унинг учмас тарихини ўрганишда Марказий Осиёдаги қўлёзма ва китоблар, йиллар ва асрлар давомида, аждодларимиз томонидан яратилган маънавий бойлик дурдоналарининг, нафакат маданий учоғи, балки ягона билим бериш ва тарбия курули хам хиссобланган. Миниатюрада ишланган асарлар, инсон эстетик тарбиясидаги урни ниҳоятда катта булиб, бу миниатюрочи рассомлар асарларида уз аксини топган.

### **АДАБИЁТЛАР РҲҲАТИ:**

1. Baymetov, B. B., & Sharipjonov, M. S. O. (2020). Development Of Students' Descriptive Competencies In Pencil Drawing Practice. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(08), 261-267.
2. Baymetov, B., & Sharipjonov, M. (2021). OLIY PEDAGOGIK TA'LIMDA TALABALARGA INSON QIYOFASINI AMALIY TASVIRLASH JARAYONIDA IJODIY KOMPYETYENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(3), 1066-1070.



3. Boltaboyevich, B. B., & Shokirjonugli, S. M. (2020). Formation of creative competences of the fine art future teachers describing geometrical forms (on sample of pencil drawing lessons). *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 1996-2001.

4. Байметов, Б., & Шарипжонов, М. (2020). ОЛИЙ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАР ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИНДИВИДУАЛ ТАЪЛИМ БЕРИШ МЕТОДИКАСИ (ҚАЛАМТАСВИР МИСОЛИДА). *Academic research in educational sciences*, (4), 357-363.

5. Байметов, Б. Б., & Шарипжонов, М. Ш. (2020). ТАСВИРИЙ САНЪАТДАН МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ УЙҒУНЛИГИ. *ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ*, (SI-2№ 3).

6. Sharipjonov, M. S. O. G. L. (2021). OLIY PYEDAGOGIK TA'LIMDA TALABALARGA MUAMMOLI MASHG'ULOTLARNI TASHKIL ETISH TECHNOLOGIYALARI. *Science and Education*, 2(2), 435-443.

7. Шарипжонов, М. Ш. (2020). Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисининг касбий маҳоратларини такомиллаштиришда амалий машғулотларни ташкил этиш методикаси. *Молодой ученый*, (43), 351-353.

8. Шарипжонов, М., & Икромов, М. Д. (2018). TASVIRIY SAN'ATDA ANIMALIZM JANRI. *Научное знание современности*, (5), 94-96.

9. oglu Sharipjonov, M. S. OLIY PYEDAGOGIK TA'LIMDA TALABALARGA MUAMMOLI MASHG'ULOTLARNI TASHKIL ETISH TECHNOLOGIYALARI.